

12-25-2018

THE ROLE OF LEXICAL REPETITION IN TEXT DERIVATION

Shakhnoza Nigmatovna Turniyazova

Senior teacher at Theory and practice of Arabian language, Samarkand state foreign languages institute, Candidate of philological sciences

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>

Recommended Citation

Turniyazova, Shakhnoza Nigmatovna (2018) "THE ROLE OF LEXICAL REPETITION IN TEXT DERIVATION," *Scientific reports of Bukhara State University*: Vol. 1 : Iss. 5 , Article 6.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol1/iss5/6>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

УДК 415.8

МАТН ДЕРИВАЦИЯСИДА ЛЕКСИК ТАКРОРНИНГ ЎРНИ
РОЛЬ ЛЕКСИЧЕСКОГО ПОВТОРА В ДЕРИВАЦИИ ТЕКСТА
THE ROLE OF LEXICAL REPETITION IN TEXT DERIVATION

Turniyazova Shakhnoza Nigmatovna

Senior teacher at Theory and practice of Arabian language, Samarkand state foreign languages institute, Candidate of philological sciences

Таянч сўзлар: деривация, макроматн, лексиктакрор, синтактик боғланиш, семантик боғланиш, фрейм.

Ключевые слова: деривация, макротекст, лексический повтор, синтаксическая связь, семантическая связь, фрейм.

Key words: derivation, macrotext, lexical repetition, syntactic relation, semantic relation, frame.

Мақолада матн лингвистикаси муаммолари жумласига кирувчи, матннинг синтактик боғланишини ташкил қилувчи лексик воситалар хусусида фикр юритилган. Булардан лексик такрорга кенароқ тўхталиб, унинг матн деривациясида тутган ўрни ҳақида мулоҳаза билдирилган. Жумладан, таҳлил жараёнида фрейм тушунчасига ҳам изоҳ берилиб, унинг матнда тутган ўрни ёритилган.

В статье рассматриваются проблемы лингвистики текста, куда входят лексические средства, образующие межфразовую синтаксическую связь. Особое внимание уделяется лексическому повтору и его роли в деривации текста. Также проанализировано понятие «фрейм».

The article deals with the issues of text linguistics including lexical means, which form interphrasal syntactic relation. The author of the article focuses on the lexical repetition and its role in the text derivation. The notion of “frame” has also been defined and its place in the text has been explained.

Кириш. Матн лингвистикаси муаммолари тил системаси бирликларининг нутққа кўчирилиши, унинг амалда реал қўлланилиши билан узвий боғлиқдир. Матн лингвистикаси масалаларининг кун тартибига қўйилиши, ўз навбатида, «катта синтаксис» тушунчасининг ҳам истеъмолга киритилишини талаб қилиши шубҳасиздир. Чунки амалдаги гап таҳлили учун қўлланиладиган қоидалар матн таҳлили учун яроқсиздир. Бошқача айтганда, гап сўзларнинг ўзаро муносабатини намоён этса, матнда гапларнинг, мураккаб синтактик қурилмаларнинг, абзац ва бобларнинг ўзаро муносабатини ўрганишга тўғри келади. Бундан ташқари, матн талқинида микро- ва макросистема, микро- ва макроструктуралар хусусидаги, уларнинг ўзаро иерархик муносабатлари ҳақидаги илмий маълумотларга таяниш лозим кўринади.

Асосий қисм. Матн лингвистикаси муаммолари талқини умумий тилшунослик доирасида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам кенг қамровда эндигина ўрганилмоқда. Бу борада амалга оширилган тадқиқот ишлари, асосан, масаланинг умумий жиҳатларини, матн лингвистикасининг вазифаларини ўрганиш ва белгилашга қаратилганини кўради. Айниқса, матн таҳлилининг синтактик муаммоларининг илмий тадқиқиға бағишланган ҳали талайгина масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Немис олими В.Дресслер бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: «Бугунги кунда тилнинг энг муҳим ва мустақил бирлиги гап эмас, балки матн эканлиги ҳақидаги тушунча тобора оммалашиб кетмоқда. Айнан ана шу нарса матн синтаксиси билан шуғулланиш учун зарурат туғдирмоқда» [5,33].

SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

Бироқ, В.Дресслер матнни мустақил тил бирлиги тарзида талқин этади. Бу, бизнингча, эътирозлидир, зотан, матн материал нуқтаи назаридан тил белгиларидан ташкил топса-да, тил бирлиги эмас, балки нутқ бирлигидир.

Кўринадик, юқорида номлари эслатиб ўтилган тилшунос олимнинг мулоҳазалари-да лингвистик тадқиқотлар текширув объекти фақат тил деб қаралади, нутқ лингвистикаси ва унинг бирликлари ҳақида эса ҳеч нарса дейилмайди. Ана шу боис, тил ва нутқ бирликлари қориштириб юборилмоқда.

Албатта, матн нутқ бирлигидир. Шунинг учун унинг синтактик табиатини ўрганишда ва умуман, матн синтаксиси, унинг вазифалари белгиланишида нутқ бирлиги масаласи ҳам эътиборда бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса тил ва нутқ бирликларини фарқлаб ўрганишга қатъий амал қилмоқ керак.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, матн лингвистикаси муаммолари бобида айтилган тилшунослар фикрлари муштарак бўлмаса ҳам, уларнинг барчасида матн компонентларининг боғланишли эканлиги тўлиқ тан олинади. Бироқ, бу ўринда ҳам боғланишлилик, асосан, семантик нуқтаи назардан изоҳланади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, матн таҳлилига синтактик нуқтаи назардан ёндашиш лозимми, ёки уни стилистик мақсадларга кўра ўрганиш керакми, ёки матн лингвистикаси деган янги бир соҳа асосланиши мақсадга мувофиқми, деган саволлар ҳам ҳозирги тилшунослигимизнинг ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммоларидан саналади.

Дарҳақиқат, матн синтаксиси тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида тўлиқ илмий асосланиш бўсағасидадир. Агар у тўлиқ асосланганидан бўлса, уни одатдаги синтаксисдан ўз текширув объектига кўра кескин фарқ қилувчи «катта синтаксис» деб аташга тўғри келади, зотан, бунда гаплар, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац ва боблар ўртасидаги муносабатлар текширилади.

Синтактик муаммолар талқини бўйича тадқиқот ишлари олиб бораётган аскарият мутахассислар матнни энг юқори даражадаги синтактик бирлик деб тушунадилар. Мазкур бирликнинг таркибий қисмлари гап, мураккаб синтактик қурилма, абзац кабилар саналади [13,45]. Стилистика муаммолари тадқиқи билан шуғулланувчи баъзи олимлар матнни стилистик ҳодиса деб биладилар [3,43].

Бизнинг фикримизча, матнни энг юқори поғонадаги синтактик бирлик мақомида талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки унинг таркибий қисмлари ҳисобланмиш гап, мураккаб синтактик қурилма кабилар синтактик бирликлар ҳисобланиши изоҳ талаб қилмайди. Айнан ана шу бирликлар абзацнинг шаклланишида ҳам фаол қатнашади. Бу масаланинг бир томони бўлса, унинг иккинчи томонини мураккаб синтактик қурилма, абзац кабиларнинг матн қолипиди келиши ташкил этади. Ҳатто алоҳида олинган бир гап ҳам маълум нутқий муҳит қуршовида бутун бир матнга тенг келиши мумкин. Лекин унинг таҳлилини гап таҳлилига қийинлаштиради бўлмайди. Чунки гапнинг синтактик таҳлили амалдаги грамматикаларимизда бош ва иккинчи даражали бўлақларни белгилаш билан шуғулланади, матн компонентлари синтактик таҳлилида эса гап бўлақлари тушунчасига умуман эҳтиёж сезилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, матннинг бошланишини ташкил этувчи унинг чап томонидаги гап ёки мураккаб синтактик қурилма бундан олдинги матннинг ўнг томонидаги ана шундай синтактик структуралар билан мазкур матнни мазмунан боғласа, бунинг тескариси ўлароқ, матннинг ўнг томонидаги синтактик структуралар уни кейинги матннинг чап томонидаги структуралар билан ана шундай боғланишини таъминлайди.

Матн компонентлари синтактик жиҳатдан ҳам ўзаро боғлиқ бўлади. Бундай вазият матн сатҳида қўлланилган таркибида лексик такрор, синонимик воситалар бўлган гаплар, иловали [15,72-77] ва парцеллятив қурилмалар ёки нуқтадан кейин қўлланилган зидлов боғловчилари билан бошланувчи гаплар келганда бемалол кўзга ташланади. Мазкур ҳолат мустақил матнлар ўртасида ҳам кузатилиши мумкин. Бунга

SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

зидлов ёки бириктирув боғловчилари, олмош, кириш сўз ва бирикма билан бошланувчи абзац мисол бўлиши мумкин. Агар боғловчи вазифасидаги морфологик воситалар синтактик қурилмаларнинг бир матн доирасидаги муносабатини таъминлаш учун хизмат қилса, матнлараро энг аввал семантик ва маълум даражада синтактик муносабатни таъминловчи воситалар ўзлари қатнашаётган матннинг биринчи жумласи орқали ундан олдин келаётган матн билан боғланади.

Юқоридагилардан ташқари, катта матн (макроматн) таркибида бериладиган зидлов ёки бириктирув боғловчилари билан бошланувчи абзацнинг характерли белгиларидан бири яна шунда кўринадики, бундай абзац ўзидан олдин келаётган матн билан ҳам семантик, ҳам синтактик режаларда боғланса, ўзидан кейин келаётган матнга умумий мазмуний режага кўра дахлдор бўлади. Катта матн таркибида қўлланувчи ва мустақил олинганида ҳам матн мақомини олиши мумкин бўлган мураккаб синтактик қурилмалар ва абзац лингвистик сатҳларига кўра бир-биридан кескин фарқланади, зотан, мураккаб синтактик қурилмалар том маънода икки ёки ундан ортиқ гапларнинг икки нуқта орасидаги синтактик муносабатларига асосланса, абзац ёзувда бир неча нуқталар орасига жойлашган гапларнинг ва мураккаб синтактик қурилмаларнинг мазмуний муносабатларига таянади. Шунинг учун мураккаб синтактик қурилмалар ва абзац фақат ташқи кўринишидангина бир-бирига ўхшаш бўлиши мумкин [8, 69].

Матн ва унинг лингвистик таҳлили ҳақида М.П.Йоницэнинг фикри ҳам эътиборга моликдир. Унга кўра, ҳар қандай матн учун ҳам компонентларининг ўзаро боғлиқлиги муҳим белги ҳисобланади. Мазкур боғлиқлик матннинг мазмуни ифодаси доирасида воқеланади ва бунда грамматик воситалар иштирокида амалга ошувчи лингвистик ифода усуллари катта аҳамият касб этади. Зотан, улар воситасида матннинг алоҳида унсурлари ўзаро боғланади ва ана шу тарзда ўз мазмуний яхлитлигига эга бўлган матн шаклланади [7,56].

Бу ўринда матн компонентларининг ўзаро боғланиши деганда, фақат мазмуний боғланишни эмас, балки уларнинг зарурий грамматик воситалар иштирокида боғланишини ҳам тушунмоқ лозим, зеро, мазмуний боғланиш учун лингвистик (грамматик) омилларга эҳтиёж туғилиши табиийдир. Буни мураккаб синтактик қурилмалар структурасида янада аниқроқ кўрсатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, матн компонентларининг синтактик муносабати турли хил лексик воситаларга асосланади. Улар жумласига лексик такрор ҳам киради.

Матн компонентларининг синтактик муносабати лексик такрорга асосланганда маълум бир сўз матн таркибига кирган ҳар бир жумлада такрорланади ва бу орқали жумлаларнинг синтактик алоқаси шаклланади:

1. *Хўрозча қимирламай турар, Ёдгор эса ичида йиғилиб қолган ҳасратини худди дўстига айтаётгандек сўзларди. Хўрозча биратўла кўзларини юмиб олгандан кейин, Ёдгор ердаги жўхориларни йиғиб дўпписига солди, хўрозчасини аста ердан олди...*(М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

2. *Боғи Зоғон қасрининг муҳташам қабулхонасига гавҳар ва ёқутлар билан безатилган баланд тахт ўрнатилган. Бир вақтлар бу тахтда Шохруҳ Мирзо ўлтирар эди. Ҳозир уни бошига тилла тож кийган Султон Абусайид эгаллаган* (П. Қодиров. Она лочин видоси).

Келтирилган абзац қолипидидаги матнларнинг биринчиси иккита мураккаб синтактик қурилманинг ўзаро боғланишидан ташкил топган бўлиб, мазкур қурилмаларнинг синтактик муносабати хўрозча ва Ёдгор сўзларининг такрорий қўлланишига асосланмоқда

Иккинчи абзац эса уч компонентли бўлиб, уларнинг ҳар учаласи ҳам бир-бири билан мазмунан ўта узвий боғланганини кўрамиз: биринчи компонентда тавсифи берилётган тахт ҳақидаги фикр иккинчи ва учинчи компонентларда ҳам давом эттирилмоқда.

SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, лексик такрор маълум қоидага бўйсунди ва шу боис жумла таркибидаги ҳар қандай сўз ҳам бундай имкониятга эга бўлавермайди. Бошқача айтганда, лексик такрор фрейм тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлади, зотан такрорланаётган сўз матн семантик салмоғининг асосини (мавзусини) ташкил этади. Шу боис у ҳар сафар мантиқий урғули бўлади [14,286].

Фрейм тушунчасини М. Минский қуйидагича изоҳлайди: «Фреймларнинг (ва улар англатадиган категорияларнинг) муҳим белгиларидан бири шундаки, улар поғонали структуралар ярата оладилар. Шу туфайли система турли даражаларда (ўта умумийликдан то жуда аниқликкача) фразалар тузиш имкониятини беради. Масалан: ҳайвон, муайян тур вакили тўрт оёқли, ўртача катталиқда, ит, колли зотидан, лақаби Лесси» [10,98;2,34].

Бу ҳақда Ш. Сафаров қуйидагиларни таъкидлайди: «... ҳар бир шахс онгида «фреймлар» тўри тўплами мавжудким, ушбу тўплам билим ва идрок фаолиятини маълум кўринишдаги «андозалар» асосида амалга оширишни таъминлайди» [12,41]. Амстердам университетининг профессори Т. ван Дейк эса фрейм тушунчасига когнитив нуқтаи назардан ёндашади ва бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Умумий билим даражамиз аморф ҳолда эмас, балки у концептуал (инсон онгидаги умумий тушунчалар - Ш. Т.) система ҳолатида уюшган бўлади. Уни «фрейм» термини орқали талқин этиш мумкин. Фреймлар билишнинг шунчаки «парчаларга» бўлиниши эмас, балки улар муайян тушунча атрофида яхлитланган бирликлардир» [4,16]. Юқорида келтирилган мисолга ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, унда фрейм хўрозча тушунчаси билан узвий алоқадорлигини кўрамиз, зотан, мазкур абзацда берилаётган хабарнинг асосий мавзуси шу сўздир.

Е.А.Реферовскаянинг фикрига кўра, кетма-кет келаётган гапларда маълум бир сўзнинг қўлланиши уни жумланинг марказий унсурига айлантиради ва бу билан тингловчининг ҳам, сўзловчининг ҳам диққати ана шу сўзга қаратилади. Бундан ташқари, унинг воситасида жумлалар ўзаро боғланади [11,52]. Е.А. Иванчикова ҳам лексик такрорнинг тил бирликларини ўзаро боғлашда синтактик вазифа бажаришини таъкидлайди [6,127]. А.Лежнев эса лексик такрор такрорнинг бошқа турлари сингари диққатни экспрессив нуқтаи назардан ўзига тортишини айтади [9,37].

М.Ҳакимов лексик такрор мазмун изчиллигини сақлаш мақсадида қўлланишини ва мазкур ҳодиса бир абзац таркибидаги гапларда аниқ кўзга ташланишини эслатади [16,9].

Матн компонентлари таркибида маълум бир сўз ёки бир неча сўзнинг такрорий қўлланиши нафақат кетма-кет келаётган, балки бири иккинчисидан бошқа бир жумла билан ажратилган гапларнинг синтактик боғланиши учун ҳам хизмат қилади:

Бугун якшанба. Тагин бир ҳафтадан кейин, келгуси якшанбада Йўлдошнинг тўйи. Ойнисанинг дилида шу орзу, хаёлида шу ўй. Тўй айтишга осон. Тўй куни яқинлашган сари камчиликларингиз ўзини яққолроқ кўрсатиб, сизни шошириб қўяди (Ҳ. Ғулом. Тошкентликлар).

Берилган матн беш компонентли бўлиб, унинг биринчи ва иккинчи компонентлари синтактик алоқаси якшанба сўзи билан ифодаланаётган лексик такрорга асосланмоқда. Иккинчи, тўртинчи ва бешинчи компонентлар таркибида тўй сўзи такрорланмоқда. Матннинг учинчи компоненти сатҳида эса мазкур сўз қўлланмаган. Бироқ бу билан матн компонентларининг синтактик алоқасида узилиш бўлаётгани йўқ. Чунки учинчи жумла таркибида келаётган шу олмоши мазкур жумланинг чап томонидан ҳам, ўнг томонидан ҳам бошқа жумлалар билан синтактик боғланишини тўлиқ таъминламоқда.

Юқоридагилардан ташқари, лексик такрор матнда берилаётган хабар ифодасининг марказини ташкил этиб, сўзловчининг ҳам, тингловчининг ҳам диққатини ўзига тортар экан, унинг хабар ифодаси таъсирчанлигини оширишда аҳамияти салмоқли эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур [7,72].

SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

Матн компонентлари таркибида такрорланиб келаётган сўз ўзи қатнашаётган гап доирасида турли хил грамматик шаклларда синтактик вазифа бажариши мумкин:

- *Зоти олийлари бандаларига ижозат берсинлар, кечқурун дори тайёрлаб юборгаймиз. Кўпроқ тар мева истеъмол қилсинлар, аммо Бухоро меваси жанобларига зарарлидир. Мевани Самарқанддан келтириб есинлар* (М. Осим. Карвон йўлларида).

Мазкур матнда мева сўзи такрорий қўлланилиб, у дастлаб воситасиз тўлдирувчи(мева+ни), кейинги сафар эга, охири жумлада эса яна тўлдирувчи вазифасида келмоқда. Аммо бу эътиборимиздаги сўзнинг лексик такрор ҳодисаси билан боғлиқ ички (матнда эмас, балки жумла ёхуд мураккаб синтактик қурилма доирасидаги) имкониятларини кўрсатади. Матн таркибидаги унинг асосий вазифаси эса жумлалараро синтактик муносабатни ташкил этишда кўзга ташланади. Матннинг таркибий қисмини шакллантираётган компонентлар мучаларининг ички синтактик функциялари эса макроматннинг синтактик таҳлили жараёнида аҳамият касб этмайди.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, матн лингвистикаси учун матннинг тузилишини, асосий категорияларини ўрганиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, унинг шаклланиши жараёнини, бошқача айтганда, деривацион хусусиятларини ўрганиш ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Матн деривациясини ўрганиш жараёнининг талай қийинчиликлари бўлади, албатта. Улар жумласига биринчи галда деривация операторини аниқлаш, таянч структурани белгилаш, матн синтактик шаклланиши тамойилларини ўрганиш, матн деривациясининг гап деривациясидан фарқли томонларини аниқлаш кабиларни киритиш мумкин

Равшанки, синтактик деривация назарияси ҳосила структураларга нисбатан қўлланилади. Ҳосила структура гап қолипида бўлганда мазкур операциянинг дастлабки босқичи таянч структурага асосланади. Бироқ ҳосила структура матни, хусусан, макроматнни тақозо этадиган бўлса, таянч структура ва унинг белгиланиши масаласи гап деривациясининг дастлабки босқичига асос бўлувчи таянч структуранинг аниқланишидан кескин фарқ қилади. Бунинг асосий боиси қуйидагиларда кузатилади: 1. Гапнинг синтактик деривацияси асосланадиган таянч структура туб структура замирида, унинг бўш ўринларини тўлдириш жараёнида вужудга келади. 2. Матн деривацияси асосланувчи таянч структура вазифасида матн компонентларидан бири фаоллик кўрсатади. Бунда туб структура масаласи (деривацион нуқтаи назардан) устувор аҳамият касб этмайди. Чунки макроматннинг ҳар қандай кўриниши ҳам тайёр ҳолдаги ҳосила қурилма демакдир. Бундан ташқари, матн деривацияси, асосан, юқорида айтиб ўтилганидек, лексик воситалардан бирига таянади. Биз кўриб чиқаётган, лексик такрор қолипидаги сўз ҳам ана шу воситалардан бири бўлиб, мазкур сўз оператор вазифасида келади ва у синтактик ҳамда семантик фаоллигига кўра лексик такрор қолипидаги сўзларнинг бошқаларига нисбатан салмоқлироқ аҳамият касб этади:

Жайхун соҳилига туташиб кетган улкан боғ айни гулга кирган. Боғ ўртасидаги икки қаватли кўшк хиёбонларида камалак рангли товуслар товланади, дарахтлар орасида ёввойи кийиклар кўзга чалинади, четлари нозик кошунлар билан безатилган ҳовузларда булутдай оппоқ оққушлар сузади (О. Ёқубов. Кўҳна дунё).

Мазкур матн компонентлари бир-бири билан боғ сўзининг такрорий қўлланиши орқали боғланмоқда. Бошқача айтганда, боғ сўзи фрейм тушунчасини шакллантирмоқда. Бироқ матннинг умумий мазмунини воқелантиришда такрорий қўлланаётган боғ сўзининг олдинги варианты муҳимроқ мавқега эга эканлигини кўрамиз, зотан, у нутқ воқеланиши нуқтаи назаридан устувор аҳамият касб этмоқда. Иккинчи гап таркибида келаётган боғ сўзи уни олдинги гап билан боғлаш учун хизмат қилаётган бўлишига қарамай, қўлланишига кўра олдинги гапдаги боғ сўзига қарамдир.

TILSHUNOSLIK

Шунинг учун мазкур матн деривациясининг оператори биринчи гапда қатнашаётган боғ сўзи саналади.

Хулоса. Умуман олганда, лексик такрор матн компонентларининг мазмуний боғланишида муҳим роль ўйнайди. Бироқ, шу билан бирга, унинг бу жараёнда синтактик жиҳатдан ҳам аҳамиятли эканлигини кўрамыз. Бу ўринда Ғ.Абдурахмоновнинг лексик такрорнинг қўшма гап шаклланишидаги мавқеи ҳақида айтилган қуйидаги фикри муҳим аҳамиятга эгадир: «Бир хил бўлакнинг икки гапда такрорланиши ҳар икки гапни мазмунан яқинлиштириб, қўшма гапни ташкил этади» [1,127]. Қўшма гапнинг ташкил этилиши, албатта, мазкур воситанинг синтактик жиҳатдан ҳам аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Демак, лексик такрор, айниқса, матн синтактик деривациясининг воқеланишида ўта муҳим аҳамият касб этади ва матннинг синтактик боғланишини таъминлайди.

REFERENCES

1. Abdurahmonov G'. O'zbek tili grammatikasi. - Toshkent: O'qituvchi, 1996. - 246 b.
2. Beloshapkova T.V. Kognitivno-diskursivnaya paradigma lingvisticheskogo znaniya i kategoriya aspektualnosti // Vestnik MGU. Seriya 9. Filologiya. - 2008. - № 2. - S. 34-44.
3. Vinokur T.G. O sodержanii nekotorykh stilisticheskix ponyatij // Stilisticheskie issledovaniya. - M., 1972. - S. 43.
4. Van Deyk T.A. Yazik. Poznanie. Kommunikatsiya. - M.: BGK im. B. de Kurtene, 2000. - 308 s.
5. Ivanchikova Ye.A. Leksicheskiy povtor kak ekspressivniy priyom sintaksicheskogo rasprostraneniya // Misli o sovremennom russkom yazike. - M., 1969. - 215 s.
6. Yonitse M.P. Glossariy kontekstualnix svyazey. - Kishinyov: Shtiintsa, 1981. - S. 5-13.
7. Kuxarenko V.A. Interpretatsiya teksta. - M.: Prosveshenie, 1988. - 192 s.
8. Lejnev A. Proza Pushkina. - M.: Xudojestvennaya literatura, 1966. - 263 s.
9. Minskiy M. Freymi dlya predstavleniya znaniy. - M.: Energiya, 1979. - 152 s.
10. Moskalskaya O.I. Semantika teksta // Voprosi yazikoznaniya. - 1980. - № 6. - S.33-34
11. Referovskaya Ye.A. Lingvisticheskie issledovaniya strukturi teksta. - L.: Nauka, 1983. - 216 s.
12. Safarov Sh. Kognitiv tilshunoslik. - Jizzax: Sangzor, 2006. - 92 b.
13. Solganik G.Ya. Sintaksicheskaya stilistika. - M.: Visshaya shkola, 1973. - 214 s.
14. Shvedova N.Yu. Ocherki po sintaksisu russkoy razgovornoy rechi. - M.: Izd. Akademii Nauk, 1960. - 377 s.
15. O'rinboev B. Hozirgi o'zbek so'zlashuv nutqi. - Samarqand: Navro'z, 2006. - 96 b.
16. Hakimov M.X. O'zbek ilmiy matnining sintagmatik va paradigmatic xususiyatlari // Nomz. dis. avtoref. - Toshkent: 1993. - 27 b.